# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1 * 2013

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI



ВЕСТНИК НУУЗ * ACTA NUUZ

# МУНДАРИЖА


**ЖЎРАЕВ З.М.** Мовардийнинг "Аҳком " асари манбавий асослари.................................. 4
**САЛЫХОВА Н.И.** Аспекты прагмалингвистического анализа значения слова.................... 12
**КЕНЖАЕВА Х.П.** Сиёсий партиялар фаолиятининг аёллар фаоллиги билан диалектик боғлиқлиги........................................................................................................ 16
**САЙФУЛЛАЕВА Р. Р., САЙФУЛЛАЕВ Т.Ш.,НОРОВА С.Ю.** Ещё раз об экономике общества.. 19
**ОРИФЖОНОВА Г.** Жилоларга йўғирилган маънолар.................................................. 23
**ҚАЛАНДАРОВА Д.А.** Тафаккур ёғдулари ........................................................... 25
**СУЛТАНОВА Д. С.** К вопросу о методической культуре и уровнях профессионализма преподавателя иностранного языка, инновационные технологии в обучении иностранному языку. . 28
**АЛИМОВ Б.** Оммавий ахборот воситаларининг миллий домендаги шаклланиши.................... 32
**ОРИПОВ Э.Ш.** Ўзбекистонда жамият бошқарувини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. 36
**МУХАММАДИЕВА О.Н.** Парламент назорат фаолиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари........................................................................................ 40
**НАЗАРОВА С.А.** Абдулла Қаҳҳор асарларида шахсни тавсифловчи сўз бирикмалари............... 43
**АЛИМДЖАНОВ Б.А.** Особенности административного управления в Русском Туркестане и Британской Индии (конец XIX-начало XX вв.)................................................... 46
**АЛАВУТДИНОВА Н.** XX асрнинг 40-80-йиллари ўзбек тилшунослигига бир назар................. 49
**ҲАЙИТОВА Ф.Б.** Зиёратгоҳларда аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (Қашқадарё воҳаси мисолида)............................................ 52
**АБДИКАЛИКОВ Ф.А.** Непараметрическое оценивание условной функции выживания в регрессионной модели случайного цензурирования справа.................................. 55
**КАРИМОВ Х.Я., БОБОЕВ К.Т., ТОШМУХАМЕДОВА Ш.С., АЛЛАНАЗАРОВА Б.Р., БОЛТАЕВА Ю.Ю.** Стандартное цитогенетическое исследование при выявлении Ph-хромосомы у больных с ХМЛ......................................................................... 58
**ИСКАНДАРОВ Ш. А.** Ўзбекистондаги араб диаспорасининг мотам маросимидаги анъанавийлик ва замонавийлик............................................................................ 60
**КОМИЛОВА Г.Р.** Паремиялар – миллий менталитет кўзгуси сифатида ...............................64
**САМИГОВА Х. Б.** Инглиз ва ўзбек тиллари нутқ маданияти риторик аспектининг лексик хусусиятлари........................................................................................67
**СИДДИКОВ Р.Б.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини модернизация қилиниши натижасида юз берган таркибий ўзгаришлар (1991-2011й.)................................ 70
**МИРЗАЕВА М.А.** Инсулинга таъсир этувчи ферментлар............................................ 75
**ОРИФЖОНОВА Г.** Ўзбек қўшиқчилик санъати тарихида аёл хонандаларнинг ўрни............... 77
**МУХАММЕДОВА Н.** Маргарет Дрэбблнинг "Шаршара" асарида ҳикоя услуби....................... 80
**ОМАРОВА Г.С.** Академик лицейларда ҳуқуқий таълим жараёнида дидактик ўйинларни лойиҳалаштириш............................................................................................ 82
**АЛИМОВ Х.Н.** Дифференциальная игра преследования с распределенными параметрами высокого порядка ...................................................................................... 87
**ЖАРЫЛКАСЫНОВА Г.Х.** Система упражнений для обучения профессионально-ориентированному языку будущих экологов.................................................................93
**САГАТОВА Л.** "Таъвиз ул-ошиқин"даги иборалар ва тасвирий ифодалар бадиияти.................. 97
**КАМОЛОВА К.Ғ.** Манбаларда "имон" тушунчаси ҳақидаги нуқтаи назарлар......................... 99
**ИСАКУЛОВ Ш.Н.** О роли органов прокуратуры в обеспечении защиты прав граждан республики Узбекистан, осуществляющих трудовую деятельность зарубежом........................102
**АБДУЛЛАЕВ А.А.** Халқ ўйинлари воситасида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш.............................................................................................. 106
**ОРИФЖОНОВА Г.** Ҳофиз Кўҳакий мажмуаси тарихига бир назар..................................108
**ШОРАСУЛОВ С.С.** «Деловая пресса»: определение термина......................................110
**ТЎХТАЕВА Р.Н.** Иккинчи жаҳон уруши ва учинг пул муомаласига таъсири..........................113
**КАРИМОВА Д.** Бронза даври уруғ жамоалари диний тасаввурларининг моддий маданиятда кузатилиши (Жаркўтон ёдгорлиги мисолида) ........................................... 116
**ТУРАЕВА Д.Р.** Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг педагогик фаолияти ва шахсий хусусиятлари 121
**ТУХТАХОДЖАЕВА Н.А.** Бадиий таржимада лексик-фразеологик воситаларнинг акс эттириш муаммолари............................................................................................ 125
**АБДАЛИЕВА Г.Р.** Структурно-семантическая трансформация фразеологизмов в художественной прозе....................................................................................... 128
**КОМИЛОВ Э.Ж., АБДУЛЛАЕВА Г.Т., ЭШБАКОВА К.А., ТОШМАТОВ З.А., АСРАРОВ М.И.** Ороксилин а флавоноидининг каламуш жигари митохондрия циклоспорин а-сезгир пора ҳолатига таъсири................................................. 130

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРАБ ДИАСПОРАСИНИНГ МОТАМ МАРОСИМИДАГИ АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

**Искандаров Ш. А. ***

Ҳозирда этнологик тадқиқотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиб бормокда. Этнографик олимларининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир инсон ўзининг келиб чиқиши тарихини, ота-боболардан мерос бўлиб, келаётган урф-одат анъаналарининг ўзига хос қирраларини чуқуроқ билишга ҳаракат қилади. Айнан мана шу хусусида мустабид совет тузуми даврида диний мотам маросимига мафкуравий таҳдид қилиш каби ҳолат учраб турди. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Биз учун мустақиллик энг аввало, ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятиларни урф-одатларимизни тиклаш, ҳамма учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни сақлашдир”[1] деб айтган сўзлари савобли ва улуғ ишларни амалга оширишда халкимизга дастуриламал бўлади.

Айнан бу маънода ўзбек халқи билан бирга Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар ва диаспоралар этнографиясининг тадқиқи долзарб аҳамият касб этади. Айнан бу маънода ўзбек халқи билан бирга Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар диаспорасини ҳам янги маълумотлар асосида тадқиқ қилиш нафақат долзарб, илмий, балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Ўзбекистон яшовчи араблар асосан Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда қисман Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларида яшайди. Уларнинг этнографик қирралари тадқиқ қилиш жараёнида биз кўпрок оилавий маросимлари, хусусан дафн, мотам маросимларига эътибор қаратдик. Бунга вилоятларининг араблар яшовчи турли қишлоқларида 2010-2012 йилларда олиб борган дала этнографик тадқикотларимиз асос бўлиб хизмат қилди.

Арабларнинг дафн маросими бўйича бир қатор олимларининг илмий тадқикот ишларини учратиш мумкин. Жумладан Э. У. Лейн, А. А. Хисматулин, В. Ю. Крюкова, М. А. Радионов, О. Бибикова, А. Лот каби олимлари томонидан махсус илмий тахлил этилган[2].

Дарҳақиқат, мотам маросими ҳам ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, бу борада маҳаллий араблар компакт холатда яшовчи Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғида яшовчи арабларнинг дафн маросимлари ранг-баранг архаик урф-одатлари билан ажралиб туради. Жейнов арабларининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири бу - дафн маросимида ўликни “газхона” дан чиқариш савоб, деб айтишидир[3]. Жумладан дафн маросимига келган марҳумнинг қариндошлари дарвозадан таъзияхонага йиғлаб кирган ва мусибатда қолган кишиларининг бўйнини қучиб йиғлаган. Қашқадарёда бу одат "бўйин олар"деб аталади[4].

Араб диаспорасида қариндошлари “бўйин олар” маросими ўтказилмаган бу одат ўзбек ва тожикларга хос ўзига хос жиҳатларидан биридир. Вафот этган киши уйнинг баъзида деразаси ёки эшик орқали чиқаришган деб таъкидлашади[5]. Ҳозирги вақтда уч эшикдан чиқариш ҳам мумкин[6]. Аммо бирор бир киши бевақт бир фожеали воқеъа туфайли вафот қилса, уни икки эшикдан чиқаришади[7]. Бундан 20 йил олдин ўликни деразадан кўтариб олиб чиқаришган. Чунки уларнинг тасаввурида, марҳум орқасидан кейинги, ўлим содир бўлишни олидини олиш яъни Азроилни ўлик чиққан уйга қайтиб келишини олдини олиш учун уни янглиштириш бўлган. Сурхандарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи арабларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири ўликни қабрга қўйиб келгандан сўнг кечга катта ўғилга “кора чирок” қилиб ёқтиришади. Бу урф-одат XX асрининг ўрталаригача чирок 7 кун, ҳозир 1 кун ёқишади[8].

Қашқадарё вилоятида Жейнов, Пўлати ва Косон қишлоғидаги арабларнинг бир-биридан фарқи Косон ва Жейновда ўликни ювишни махсус ғассол бажаради. Пўлатининг чўлида истиқомат қилиб келаётган араблар майитни ўзи ёки қариндоши ювган[9]. Сурхандарё вилояти Бойсун, Шеробод туманидаги араб қишлоқларида ҳатто араблар билан боғлиқ махсус кабристон бор. Бойсунда “Араб мозор” Шерободдаги “Ҳазрат кўктош ота” қабристонига баъзида ўзбеклар ҳам кўмилади[10].

**Мотам маросимида кийим-кечакчалар билан боғлиқ урф-одат анъанавий ва замонавийлик.** Вафот этган кишининг уруғлари бир кийимлик мато олиб келиб, вафот этган ўликнинг устига ташлайди. Бунинг сабаби ўликка оғирлик тушмаслиги учун, деб таъкидлашади. Ўтган асрнинг 80-йилларининг охирига қадар мато йиртиб беришган. Аммо ҳозирги даврга келиб мотам маросимда иштирок этган кишиларга бир кийимлик қилиб мато бериш анъанага айланиб улгурди[11]. Сурхондарё арабларининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири мотамда иштирок этганларга бир кийимлик мато берилган. Одамларни мотам маросимига қизиқтириш учун ўтган асрнинг 80-йилларнинг охирига қадар мато, чой, совун берилган. Ҳозирги вақтга келиб эса, фақат матони 4-5 кишига бўлиб беришади. 1976 йилдан бери фақат қабр казганга ва муллага 2 кийимлик мато берилмоқда[12]. Бой одам вафот қилса, 100 тагача, камбағал бўлса, 10, 15 кийимлик мато қариндош уруғлари томонидан олиб келинади. Жинозада юқорида ташланган матони ўликни ювганга беришмайди.

---

* **Искандаров Ш.А. -** ТДПУ стажёр-тадқикотчи-изланувчиси

Мотам маросимида ўликнинг олиб чиқиш пайтида мотам маросимида иштирокчилари то майитни олиб чикиб кетганларича бошида қалпоқ, устидаги чопон тескари қилиб кийиб ўтирган [13], ҳозирга келиб эса, бу каби маросим йўқолиб бормоқда энг яқин оғайнилари кўк матодан кўйлак қилиб кийишган. Узоқ қариндошлари бошига оқ боғлайди. Бизнинг ҳудуддаги араб аёллари еттисидан бир кун олдин мотамни белгиловчи махсус либосни ювишади. Ёшми, қарими барча мотам маросимида оқ кийим кийишади[14].То еттиси ўтканга қадар баъзи жойларда эркаклар сочни олиб, белбоғ боғлайди[15]. Илмий тадқиқотларимиз натижасида Сурхандарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Кайкайди қишлоғида яшаб келаётган арабларда мотам маросимининг белгиловчи оқ, кўк кийимлар кийилмайди[16].

Мотамнинг махсус кийими бўлиб, бу оқ ва кўк рангда майит 60 ёшдан кичик бўлса, икки йил давомида мотам либоси ечилмаган. Бухоро аёллари эса, оқ рўмол олиб бошига боғлаган. Ўтмишда аза кийимларини ташлашга кекса момолар бошчилик қилишган. Аввал ёш жувон марҳумнинг қизи, синглиси ва бошкалар аза кийимларини ташлаб, бошларига қизил рўмол ўраб олган. Бу рўмолларни одатда марҳумнинг хотини берган, бирок унинг ўзи яъни марҳумнинг хотини ва марҳумнинг онаси кўк кийимдан оқ кийим кийишга ўтган[17] яна бир йил мобайнида кекса момолар ўғли ёки қизи вафоти муносабати билан то аза кийими тўзиб кетгунча кийган[18].Мотамга кўпунча рангсиз кора кийим кийиб келишади[19].Косон араблари тарзияга мос кўк кийимни марҳумнинг 20сигача кийган[20]. Жумладан Косон ва Шеробод арабларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари қизил ва чиройли кийимини мотам маросимига кийиб боришмаган [21]. Бунинг сабаби қизил ранг кўпроқ кўзга ташланувчи ҳисобланган, деб таъкидлаш ўринлидир.

XX асрнинг 80-90-йилларда мотам маросимига келганларга рўмол, пул беришган. Бунинг сабаби мотам маросимига неча киши қатнашганлигини аниқлашдан иборат бўлган[22]. Ҳозирги вақтга келиб, анъанавий маросимлар йўқолиб, замонавий маросим кириб келмоқда.

Косон ва Пўлати арабларида мотам маросимида ўзига хос ажралиб турадиган жиҳатидан бири “белбоғ” ечиди маросими ўтказилади[23].

Ахборотчиларнинг хабар беришича, ўлимлик учун ғамланган мато, газмол, оқ сурп, бўз, дока кафанлик учун ажратилиб, улар эркак учун тахминан 16-24 метр, аёллар учун эса 28-30 метрлар чамаси атрофида, ҳатто баъзи бадавлат, ўзига тўқ кишиларда бир тўп 60-70 метргача бўлган.

Ҳозирги вақтда гўрковлар 30 минг сўмгача нахти пулни олиб, кабристонга кейинчалик бориб, кабр қазишмоқда. Ғассол майитни ювишдан олидин бир икки киймлик мато олиб, кейинчалик ўликни ювмоқда[25].

Мотам маросимининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири - давра маросими бўлиб, давра маросимини ўтказиши қуйидагича бўлади[26]. Давра маросимида битта мулла, бир одам мустаёк бўлиб ва 1,5 тонна буғдой, бир икки кийимлик мато бўлиш керак. Буғдойнинг барчаси мустаёққа тегишли бўлади. Сабаб ўша мустаёқ ўликнинг барча гуноҳларини ўз зиммасига олади. Мустаёқ буғдойни элга таркатиб бериш ёки уйга олиб кетиш мумкин. Ҳозирга келиб, “давра” маросимида баъзи пайтлари хатто машина қуйилмоқда[28].

**Мотам маросимида таомларбилан боғлиқ урф-одат - анъанавий ва замонавийлик.** Фарғона водийсида яшовчи туркманлар, қипчоқлар ва қирғизларда ўтроқ ўзбеклар ва тожиклардан фарқли равишда марҳум дафн этилмасдан аввал қўй сўйиб маросимий таом - шўрва таёрланади. Лекин тайёрланган шўрва марҳумни қабристонга дафн этиб келингандан сўнг ичилади. Бу таом халқ орасида “қора ош” деб ҳам юритилган. Қора ошнинг оддий таомдан фарқи шундаки, унга пиёз солмасдан пиширилган. Чунки пиёз аччиқ маҳсулот бўлганлиги сабабли агар у қора ошга қўшилса, совуқ маракага яна аччиқлик қўшилиб кетиши мумкин, деб ўйланган[29]. Худди шундай фикрни Б. Х. Кармышева ҳам тасдиқлайди, у ҳам қора ошини айнан мотам оши тожикча "ошисиёҳ" маъносида тушунтиради[30]. “Қора ош” ни меҳмонлари учун таёрлашган. "Қора ош" марҳум чиқариладиган хонадонда эмас, балки унинг қўшниси ёки бирор қариндошнинг уйида қилинган. Таъзияхонада то марҳум дафн қилинмагунча дастурхон ёзилмаган, ҳозирги кунда ҳам ёзилмайди[31].

Косон ва Пўлати арабларининг бир-биридан фарқи Косонда “қора ош” ни мажбурлаб истеъмол қилдиришади. Пўлатида ёш вафот этганларнинг “қора ош” ни истеъмол қилишмайди[33]. Денов туманидаги чиғатой уруғида бир анъана бор, яъни, ёш одам вафот этса, “қора ош”ни истеъмол қилишмайди[34]. Сурхандарёнинг Жарқўрғон тумани араблари вафот этган кишини қабрга қўйгандан сўнг таом қўйишади[35]. Чўл араблари майитни кўмиб келгандан мол сўяди. Узоқдан келган меҳмонларга таом тортишади[36].

Г. П. Снесарев дафн маросимларида қўй сўйиб. овкат тайёрлаш одатини тотемийлик билан боғлайди ва Хоразм ўзбекларида марҳум чиқарилаётганда қўй сўйишни таъкидлаб кўрсатади[37]. Юрчи қишлоғида одамнинг жони чиқадиган вактида қўй сўйлади, яъни қийналмасдан ўлиши учун. Ўликни кабристонга қўйиб келгандан сўнг, сўйилган қўйнинг гўштидан овқат таёрланиб, тарқатилади[38]. Ахборотчи Зулфия момонинг таъкидлашча, битта қўй суйиб гўштни қариндош уруғига хом талаш қилишган[39].

Халқ тилида руҳлар турлича: рух, арвоҳ, ота боболар ва пиру устозлар руҳи, бобо аждод деб аталади. "Руҳ" сўзининг ўзи арабча бўлиб, жон, рух, шарпа, ҳаёт маъноларини англатади [40]. Мотам маросимида пайшанба куни ота боболарининг руҳини шод этиш учун махсус ис чиқариб авлод, уруғ, арвоҳларига атаб пишириқлар пиширилади. Пўлати араблари исни “зиғир ёғига” чикаришган. Мақсад, “зиғир ёғи” нинг ҳидига арвоҳлар айланишади деб тасаввур қилишган[41]. Булардан ташқари марҳум гарчи катта маросим сифатида бўлмаса ҳар жума, душанба оқшомларида чўзма

чалпак қилиниб, дуо фотиҳа ўқиш билан хотирланади [42].

Косон араблари бошқа араблардан ўзига хос локал хусусияти билан фарқ қилади. Уч кун давомида вафот этган хонадоннинг аъзолари овқат ўрнига сув истеъмол қилишади, ҳозирги вақтда қўшниси-қариндошлари овқат ҳам олиб келишмайди[45].

Тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, илгари ўлимликни ўзига тўқ, бадавлат кишиларгина ғамлашган. Бу масала билан боғлиқ бошқа воқеалар ҳам учрайдики, бадавлат кишиларнинг айримлари тириклигида сағана учун ғишт, алоҳида ўзи учун тобут тайёрлаб қўйишади.

**Хулоса** илмий тадқиқотлармиз натижасида Ўзбекистонда яшаб келаётган араб халқининг матом маросимидаги ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилдек. Араб халқи қадимий қадриятига эга бўлиб, урф-одат, анъана, мотам маросимлари билан ажралиб туради. Араб диаспорасида матом маросимида иштирок этувчи кишилар баъзи жойларда махсус кийим бўлса, баъзи жойларда махсус мотамни белгиловчи кийимлар кийишмаган. Араб диаспорасининг мотам маросимида ўзига хос локал хусусиятларидан бири таом таёрлаш жараёнидир. Мотам маросимида Косон туманидаги Арабхона кишлоғида олдинлар 40 кун овқат исътемол қилишмаган бўлса, ҳозирга келиб уч кун давомда таом танавул қилишмайда. Аммо мотам маросимига XX асрнинг ўрталаридан бошлаб трансформациялашиш жараёни жадаллик билан кириб келди. Бунинг асосий сабаби совет мафкураси сиёсатининг таъсирдир. Мустақилликка эришганмиздан сўнг араб халқининг турмуш-тарзида ҳам ўзига хос янгича урф-одат, маросимлар кириб келмоқда. Ўтмишда араб халқининг ўзига хос урф-одат, анъанавий мотам маросимида чоршанба, сешанба куни пул, танга сочишган. XX асрнинг ўрталарга келиб бу каби одат йўқолишига олиб келди

**АДАБИЁТЛАР:**


1. Каримов. И. А. Мустақиллигимиз боқий бўлсин. “Халқ сўзи” 1994 йил 1 сентябрь.
2. Лэйн Э.У. Нравы и обичаи египтян в первой половине 19 века. – М.: Восточ. Лит-ра, 1982. –С. 392-396; Хисматулин А.А. Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зароастризме.- СПб.: Петербургское Востоковедение, 1997.- 81-83; Родионов М.А. Этнография Западного Хадрамаута.- М.: Вост.лит. 1994.- С 141-144; Лот А. Туареги Ахатара.- М.: Наука, 1989. -. 190-192.
3. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов кишлоғи, Бойиев Нарзулла. 06. 07. 2011. йил.
4. Насриддинов Қ. Н. XIXаср охири XX асрнинг 80-йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн маросимлари Қашқадарё вилояти маълумотлари асосида / қўлёзма дис.1995 йил. Б. 36.
5. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов қишлоғи, Тойиров Мустафақул. 06. 07. 2011. йил.
6. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани. Ҳайдаров Раҳмонкул бобо. 21. 07. 2011. йил.
7. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Боғдод маҳалласи, Турапов Даврон. 18. 08. 2011. йил.
8. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 9 совхоз кишлоғи, Турдиев Шоди бобо. 11. 08. 2011. йил.
9. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани. Зикрилла Охун. 22. 07. 2011. йил.
10. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 9 совхоз қишлоғи. Турдиев Шоди бобо. 11. 08. 2011. йил.
11. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Боғдод маҳалласи, Турапов Даврон. 18. 08. 2011. йил.
12. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Юрчи кишлоғи, Қораев Зикир бобо. 17. 08. 2011. йил.
13. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов қишлоғи, Панжиев Ниёзмуҳаммад. 05.07.2011.йил.
14. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 8 совхоз қишлоғи. Нормўминов Фахриддин. 10. 08. 2011. йил
15. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Қизирик тумани. Лелин қишлоғи (учинчи бўлим).Тиллобов Абдували бобо 12. 08. 2011. йил.
16. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жаркўрғон тумани. Какайди қишлоғи, Хоналиев Ашур бобо. 13. 08. 2011. йил.
17. Шаниязов К. Узбеки-карлуки, стр. 156.
18. Троицкая А. Л. Некоторае старинные обычаи, стр. 244; Кармышева Б. Х. Архаическая символика.Стр. 156.
19. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 9 совхоз қишлоғи, Қайимов Қоражон. 10. 08. 2011. йил.
20. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани. Ҳайдаров Раҳмонкул бобо 21. 07. 2011. йил.
21. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 9 совхоз қишлоғи, Назаров Чори бобо. 11. 08. 2011. йил.
22. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани. Бобазарипов Зокир. 22. 07. 2011. йил.
23. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Косон тумани. Зикрилла Охун. 22. 07. 2011. йил.
24. Насриддинов. Қ. Н. XIXаср охири XXасрнинг 80-йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн

маросимлари Қашкадарё вилояти маълумотлари асосида // қўлёзма дис. 1995 йил Б. 36.
25. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани. Қодиркулов Жуматой бобо. 22. 07. 2011. йил.
26. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 8 совхоз кишлоғи, Нормўминов Мўмин. 10. 08. 2011. йил.
27. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. 9 совхоз кишлоғи, Шойманов Рустам бобо. 11. 08. 2011. йил.
28. Дала ёзувлари Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани. Какайди кишлоғи, Ёкубов Бекам бобо. 13. 08. 2011. йил
29. Аширов А. А. Ўзбек халкининг кадимий эътиқод ва маросимлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Т., 2007 й. Б. 209.
30. Курышева Б. Х. Архаическая символика стр. 147; Губаева С, С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX - нач. XX вв. по данньм топономии. - Ташкент, 1983, стр.176.
31. Насриддинов. Қ. Н. XIX аср охири XX асрнинг 80-йилларида ўзбек халкининг анъанавий дафн маросимлари Қашкадарё вилояти маълумотлари асосида // қўлёзма дис.1995 йил Б. 43.
32. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов қишлоғи, .Муҳаммадкулов Аъзамкул.05.07.2011. йил.
33. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани. Пўлати қишлоғи Умаров Нуримкул 25. 07. 2011. йил.
34. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Боғдод маҳалласи, Турапов Даврон. 18. 08. 2011. йил.
35. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани. Учрашув қишлоғи, Хўжакулов Карим. 12. 08. 2011. йил.
36. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани. Пўлати қишлоғи, Омонов Шодмонкул. 25. 07. 2011. йил.
37. Снесарев, Г. П. Реликты домусулманских. стр.116.
38. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Денов тумани. Юрчи кишлоғи, Қораев Зикир бобо. 17. 08. 2011. йил.
39. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов кишлоғи, Абдурашидова Зулфия.05. 07. 2011. йил.
40. Арабско-русский словарь Єост, Х. К. Баранов. М. 1967. стр 401.
41. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани. Зикрилла Охун. 22. 07. 2011. йил.
42. Снесарев,Г. П. реликты домусулманских стр.117-118.
43. Аширов А. А Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Т., 2007 й. Б. 204-205.
44. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон тумани. Какайди қишлоғи, Ёкубов Бекам бобо. 13. 08. 2011. йил.
45. Дала ёзувлари. Қашкадарё вилояти, Косон тумани. Қодиркулов Жуматой бобо. 22. 07. 2011. йил.
46. Балкиз Аладин. Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси. Ҳадислар. - Тошкент, 1991, Б.101.

## РЕЗЮМЕ

В ходе научных исследований мы рассмотрели специфические аспекты траурных обрядов узбекского и арабского народов живущих в Узбекистане. Арабский народ, имеющий множество древних ценностей, отличается траурными традициями и обрядами. В арабской диаспоре в некотерых регионах участники траурного мероприятия одевают специальную одежду. Одной из специфических сторон траурных мероприятий арабской диаспоры являтся процесс подготовки яств. Напрамер, в селе Арабхона Косонского района во время траурного мерсприятия, если в прежние времена 40 дней в дневное время не примимали пищу, то сейчас этот период длится всего 3 дня. Однако, начиная с середины XX века в траурных мероприятиях интенсивно растет процесс трансформации, основной причиной которого являются произошедшие своеобразные изменения в образе жизни арабского народа живущих в республике Узбекистан, в следствие чего появляются новые обряды. В прошлом в традиционных траурных мероприятиях арабского народа по вторникам и средам раздавали денежные монеты. К середине XX века такой обычай вышел из траурных мероприятий.

## RESUME

In the course of this scientific research we examined peculiarities of a mournful rite of Arab and Uzbek nations living in Uzbekistan. The Arabs have a long time belief and they are distinguished with their customs and their mournful rites. Participants in rites of the Arabian Diaspora wear special clothes in some places while the others do not wear special clothes in other places.One of the local distinctive characteristics of the Arabian diaspora in a mournful rite is a cooking process.In the midst of 20th century the process of transformation entered at high speed. Main reason for that is the influence of Soviet ideology and politics.After attaining our independence brand new traditions and customs are entering the lifestyle of the Arabian diaspora in Uzbekistan.